

үтказиш ва пломбалаш, шунингдек, мавжуд (жумладан, индукцион) хисобга олиш асбоблари Таъминотчи корхона маблағлари ҳисобидан алмаштирилади.

Хисобга олиш Истеъмолчининг айби билан бузилган тақдирда (ток ва кучланишни ўлчаш трансформаторларининг ишдан чиқиши, шунингдек, иккиламчи коммутация, ҳисобга олиш приборларининг шикастланиши ва уларнинг йўқолиши) ҳисобга олиш назорат қилиш асбобларини ва уларга тегишли асбоб-ускуналарни алмаштириш, таъмирлаш, давлат қиёсловидан ўтказиш ва ўрнатиш истеъмолчи томонидан улар қиймати ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўланган ҳолда, Таъминотчи корхона томонидан амалга оширилади.

## II. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар бир ставкали, табақалаштирилган, ўсиб борувчи, камаювчи коэффициент қўлланиладиган ёки ахолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тифиз давр – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тифиз давр – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимиning энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги давр – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Реактив энергия компенсацияси учун чегирмалар (устамалар) реактив энергияни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади ҳамда тегишли равища истеъмол қилинган (ҳосил қилган) реактив энергиянинг 1 кВар/соат учун тўлов тарзида ундирилади.

Реактив энергиянинг шартномавий миқдори реактив энергиянинг иқтисодий қийматидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган кувват коэффициентининг оптималь миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Уланган кувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи Истеъмолчилар (турли қриптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йигимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гурухига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди.